

Ўзбекистон Республикаси
Кинематография агентлиги, унинг
худудий бўлимлари ва тизимидаги
ташкilotларда манфаатлар тўқнашувини
бошқариш бўйича Низомга

3-илова

**Ротатсия/лавозимга тайинланишда ёки йиллик декларацияни тўлдириш вақтида
манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғ'рисидаги аризанинг**

НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Ф.И.Ш (тўлиқ)	
Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи	
Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим	
Тўлдирилган сана	
<p>Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:</p> <p>яқин қариндошлар – қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, я'ни ота-она, туг'ишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туг'ишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.</p> <p>алоқадор шахслар – Ташкилот ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоиздан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;</p> <p>манфаатлар тўқнашуви – Ташкилот ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига та'сир кўрсатаётган ёхуд та'сир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;</p> <p>ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига та'сир қилиши мумкин бўлган пул маблағ'лари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкый, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);</p>	
1.	Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Ташкилотда ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг <i>(агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг).</i>
2.	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (якка тартибдаги тадбиркорлар бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? <i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i>
3.	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар нодавлат нотижорат ташкилотларини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган

	лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? (агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).
4.	Сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар давлат идораларида ва ташкилотларида ишлайдими? Агар жавоб “ҳа” бўлса қайси ташкилотлигини, лавозимини кўрсатинг
5.	Сизга Ташкилот ходимлари томонидан унинг этика ва корруптсияга қарши курашиш масалаларига оид ички ҳужжатларини бузиш ёки эҳтимолий бузиш билан бог’лиқ ҳолатлар ма’лумми? (Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)
6.	Лозим деб топсангиз қўшимча ма’лумотларни кўрсатинг

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган ма’лумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу ма’лумотларни тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғ’рисидаги Низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига та’сир қиладиган янги ҳолатлар тўғ’рисида Ташкилотга дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

(Ф.И.Ш)

(имзо)

(сана)